

АНЬАНАВИЙ КАШТАДҮЗЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Абуллаева Насибахон Арабовна

АДПИ Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси (*PhD*) доцент
тел: +99894 527-17-93

Асоснома: Анъанавий каштадүзликни сақлаб қолиши ва ривожлантириши муаммолари хақида маълумотлар берилади.

Калит сўзлар: Атиргул, ҳаёт дараҳти, геометрик нақшлар, учбуручак, тўртбуручак, анор, чамак, босма, ироқи, йўрма, занжир.

Аннотация: Дана информация о проблемах сохранения и развития традиционной вышивки.

Ключевые слова: Роза, древо жизни, геометрические узоры, треугольник, прямоугольник, гранат, шамак, босма, ираки, йорма, цепочка.

Abstract: Information is given about the problems of preservation and development of traditional embroidery.

Key words: Rose, tree of life, geometric patterns, triangle, rectangle, pomegranate, chamak, bosme, iraki, thread, chain.

Ўзбек халқи нафақат узоқ ўтмишга эга, балки бой маданият яратган халқ ҳисобланади. Асрлар давомида аждодларимиз ўзига хос маданият яратганларки, улар орасида халқ амалий санъатининг ёрқин намунаси ҳисобланган каштадүзлик алоҳида ўрин тутади. Унда миллийликни аксини сақлаб қолиши ва ривожлантириши халқимиз учун энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Қадимий ва қадрли кашталарга хозирги кунда ҳам халқимиз орасида эҳтиёж мавжуд. Бу кашта буюмларини аҳамияти фақатгина эҳтиёжни қондирибгина қолмасдан унинг урфодатлар, анъаналар давомийлиги учун ҳам қимматли аҳамиятга эга. Шу жойда бувижону, момоларимиз томонидан кашта тикиб тайёрланган “Рўйжо”, форсчадан таржима қилинганда “Юз қўйилговчи жой”, таг чойшаб аникроқ қилиб айтадиган бўлсак никоҳ чойшаби ҳақида алоҳида тўхталсак. Рўйжонинг бўйи 2-2.20 м, эса 150-200 см бўлиб товар (паранг) сатин, сурп (ип мато)ларга кашта тикиб безатилган. Бунга асосан анор гули, олма гули, замонавий ҳолатда кабутар ва атиргул нақшларидан фойдаланган. Рўйжонинг бош ва оёқ томонлари фарқланиб боши ва икки ён томонига сув деб номланувчи турли кашта безаклари тортилган.

Сув безаги оралари 5, 7, 9 дона йирик нақшли гуллар билан кашталанган, айлана шаклдаги ҳар бар нақш бир неча гулли безаклар билан тўлдирилган. Рўйжонинг оёқ томони букланмаган, сув безаги оёқ томонига етиб келган бўлиб, гулнинг айланаси беркитилмаган. Бунинг маъноси шуки, “Кетинг узилмасин, авлодинг бардавом бўлсин”, деганидир. Ҳатто шундан ҳам кўриниб турибдики, авлодлар бардавомийлиги каби кашта тикиш ҳам бардавом бўлиши керак. Буви-



MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

бувижонларимиз тилаклари албатта ижобат бўлиши керак, шундагина биз уларни ҳурматлаган, эъзозлаган, уларнинг васиятларига амал қилган бўламиз.

Илмий кузатишлар шуни қўрсатадики, қўл меҳнати билан яратилган барча буюмлар инсон қўли орқали ўзига ўтган биоэнергия билан тўйиниб, ундан фойдаланган кишига ижобий қувват баҳш этар экан.

Момоларимиз ижобий қўл қуввати билан бирга рўйжо нақшларига баҳт ҳақидаги энг гўзал орзуларни безаганлар. Демак, улардан фойдаланиш бениҳоя улуғdir. Айни дамда бу гўзал урф-одатларимиз замиридаги бебаҳо ҳикматлар моҳиятини намоён этади. Бундан кўриниб турибдики, каштачилик ижодий фаолиятини нафақат санъатни, балки милллатимизни гўзал унутмас урф-одатларини ҳам асрлар оша авайлаб келмоқда.

Бугунги кунда республикамизнинг Адабиёт ва санъат музейи, Ўзбекистон Давлат тарихи музейи, Фарғона водийси худудида жойлашган Қўқон Худоёрхон ўрдаси музейида, Фарғона вилоят Ўлкашунослик музейида, Марғилон Увайсий музейида, Андижон Адабиёт ва санъат музейида, Андижон вилоят Ўлкашунослик музейилари, Қува тарих музейида, Наманган ўлкашунослик музейидаги захираларда ҳалқ амалий санъатига оид бундай каштачилик дурдоналарининг бир қанча намуналарини топишимиз мумкин.

Шу ўринда эътиборингизни мушоҳада талаб масалага тортсак. Ҳозирда оналаримиз, момоларимиздан мерос ўтган рўйжоларни эътибордан четда қолдириб, совуқ дастгоҳлар бағридан чиққан чет эл чойшабларига бино қўйилмоқда. Аммо ўша қимматбаҳо чойшаблар, нафис рўйжоларда кашталар орқали битилган ҳикматларни қадрини бера олармикан, деган савол туғилади.

Шу боис ижодий санъат тури ва меҳнати ҳисобланган каштачилик анъаналарини қайта жонлантириш, уни ҳозирги замон фан-техника ютуқлари асосида ривожлантириш ва анъанавийлигини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, 2006 йилнинг 5 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўргасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эълон қилинган эди. Мазкур фармондан кўзлаган мақсад миллий шароитимизга мос уй меҳнати турларини кенгайтириб, уларнинг ишлаб чиқариш корхоналари билан кооператив алоқаларини ривожлантириш эди. Бунда қўплаб одамлар иш билан таъминланиб, улар ҳам даромад, ҳам меҳнат фаолиятига эга бўлишади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу фармони жойларда қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашда, янги иш ўринларини очища дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқимиз миллий маданиятининг нодир намуналарига, хусусан, кашта тикилган буюмларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида каштачиликни ривожлантириш учун асосан қуидаги ҳолатларга эътибор қаратиш зарур:

Маълумки, анъанавий кашталар ўз тузилиши ва бошқа жиҳатларига кўра қуидаги турларга бўлинади.



1655



MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

а) кўлда тикилган кашталар кирпеч, дорнеч, сўзана, чойшаб, палак, белбоғ, зардевор билан безашда асосан аёллар қўл меҳнати билан чизилган нақшни аёллар турли хил ипак иплар билан, йўрма, илмоқ, “бахя” сув, ироқи, чамак, ҳамдўзи чоклари билан тикиб безайдилар. Бу буюмлар қадимдан ва ҳозирги кунга қадар халқимизнинг урф-одатлари, маросимларида, ёш келин-куёвларнинг уйларини безашда, миллий кийим сифатида кийиб юришда ишлатилиб келмоқда.

б) машинада тикиладиган кашталар: сўзана, чойшаб, палак, белбоғ, зардевор. Машина фақат бир хил чокда “занжирсимон” чок билан тикади ва ўша чок билан тикиб безайдилар. Бу буюмлар қадимдан ва ҳозирги кунга қадар халқимизнинг урф-одатлари, маросимларида, ёш келин-куёвларнинг уйларини безашда, миллий кийим сифатида кийиб юришда ишлатилиб келинмоқда.

Худди шу кашталар қаторида машинада тикилаётган кашталар орқали ҳам сўзана, чойшаб, палак, белбоғ, зардевор каби буюмлар тайёрланмоқда.

Анъанавий каштадўзликни ривожлантириш мақсадида жойларда меҳнатнинг ушбу тури билан шуғулланувчи касаначилар фаолиятини ҳам ташкил қилиш зарур. Чунки миллий урф-одатларимиз, тўй-ҳашамларимиз, анъаналаримиз давом этар экан, каштадўзликка ва каштадўзлик буюмларига бўлган эҳтиёж ҳам ошиб бораверади.

Аввало, ҳозирги кунга қадар сақланиб келинаётган кашта гулининг эски намуналарини топиб, уларни илмий жиҳатдан ўрганиб чиқмоқ зарур.

Ҳозирги кунгача авлоддан-авлодга ўтиб келаётган кашта тикувчи уста каштадўзларни топиш ва улар билан каштачилек анъаналарини ва давомийлигини ўрганиш.

Уста каштадўзлар ёрдамида қадими кашта намуналари асосида кашта тикишда қўлланиладиган нақш безакларини ўрганиш ва эскизларини тайёрлаш.


Уста каштадўзлар ёрдамида қадими кашта тикишда қўлланилган босма, йўрма, ироқи, қандхәёл, кунгура чокларни тикишни уста-шогирд анъанаси ёрдамида ёшларга ўргатиши.

Каштадўзликка асосланган ёшлар ижодий ўйинларини ташкил этиш ва ёшларга кашта тикиш услубларини ўргатувчи ўқув қўлланмаларни яратиш.

Касб-хунар коллажлари қошида ёш каштачилар ижодий тўгаракларини ташкил қилиш.

Ёшлар ва миллий изланувчилар бириккан ҳолда ахоли ўртасидаги қадимги кашта намуналарини излаб топиш, суратлари асосида альбом тайёрлаш ва асл нусхаларини музей захиралари қаторига қўшиш.

Фаолиятида қадими анъаналарни ўзида сақлаган, замонавий кашталарни яратадиган каштадўзлик бирлашмаларини ташкил этиш, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, “Ўзбек” маданиятининг бир бўлимни ҳисобланган анъанавий каштачилекни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга етказиш асосий вазифалардан бири, деб ҳисоблайман



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

Турсуналиев К. «Тюбетейка – один из излюбленных головных уборов народов Узбекистана». - Т: Фан, 1990. -123с.

38. Турсуналиев К. «Все цвета радуги: (Тюбетейки и головные уборы узбеков XIX – XX вв) » –Т:Фан 1991. -112с.

39. Умарбекова Д. «Художественная вышивка Узбекистана». – М :Внешторгиздат, 1988. -8с.

Фахрединова Д. А. «Декоративно - прикладное искусство Узбекистана». –Т:Г. Гулям, 1972. -161 с.

Сухарева О. «История Среднеазиатского костюма». (Самарканд 2-я половина XIX в-нач XX в)-М:Наука, 1982. -141 с.

